2015 ЙИЛ 20 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (12.826)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловлар

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Танлов анъанавий тарзда милиция таянч пунктларининг нуфузини янада ошириш ҳамда фаолиятини такомиллаштириш, профилактика инспекторлари билан кенг жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли билан ҳамкорликда амалга оширилган ижобий ишларга, ютуқларга муносиб баҳо бериш мақсадида республика миқёсида ўтказиб келинмоқда.

Милиция таянч пункти — бу шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларининг белгиланган маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ички ишлар органлари тармоқ хизматларининг ҳамда улар билан давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган, узлуксиз фаолият кўрсатувчи асосий бўғин ҳисобланишини таъкидлаш лозим.

Пойтахтимиз ҳудудида 475 та милиция таянч пунктлари ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда профилактика инспектори, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани боис учраётган муаммолар жойида, тезкорлик билан ҳал этилмоқда.

— Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби ички ишлар идораларида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси бошлиғи, подполковник Тўлаган Абдуллаев. — Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни узлуксиз амалга ошириш имкониятига эга бўлган, халқимиз ҳаёт тарзи, маънавияти, қадриятлари ва менталитетига тўлиқ мос келадиган бутунлай янги тизимни шакллантиришга асос солинди. Бу янги тизим – ички ишлар органларининг энг қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларидир. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, ўтган йили Тошкент шаҳрида амалга оширилган профилактик ишлар натижасида жиноятчилик 3,5 фоизга камайди. Бевосита профилактика инспекторлари томонидан очилган жиноятлар сони 10,1 фоизга яхшиланганини кўришимиз мумкин. «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ҳам ўз навбатида профилактика инспекторлари, улар билан ҳамкорликда иш олиб бораётган жамоат ташкилотларининг янада юқори натижаларга эришишларида муҳим ўрин эгаллайди.

(Давоми 2-бетда)

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар тўпламини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Ушбу ҳужжатлар тўплами сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида тўртта сиёсий партиянинг ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномалари ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Марказий сайлов комиссияси парламент юқори палатасининг биринчи мажлисини 2015 йил 22 январь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

(ЎзА)

Ислоҳотлар инсон учун

ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқиши халқимизда, жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Уларда билдирилган фикрлар, факт ва рақамлар, хулосалар таҳлилу таққосларга асос бўлади.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида ҳам 2014 йилги ривожланиш суръатлари, мустақиллик йилларида эришилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўлами ва аҳамиятини кўрсатувчи кўплаб далиллар келтирилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайгани, бу натижа Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига биноан 0,35-0,37 миқдорида белгиланган халқаро стандартлар нуқтаи назаридан қараганда, аҳолимизнинг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат бериши алоҳида таъкидланди.

Хўш, Жини индекси ўзи нима? У қандай тузилади? Нималарни ифода этади?

– Президентимизнинг маърузасида айтилганидек, Жини индекси жамиятда ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолаш мезонидир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Жамшид Шарипов. – Бу индекс аҳоли даромадлари ва уй хўжаликлари кузатуви асосида, халқаро миқёсда белгиланган формула орқали ҳисобланади. Унинг ижобий ёки салбийлигини билиш учун 0 дан кейинги рақамга эътибор бериш керак. Бу рақам қанча кичик бўлса, аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ шунча кам бўлади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайгани энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ қарийб икки баробар камайганини англатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу дунёдаги энг яхши кўрсаткичлардандир. Германияда мазкур кўрсаткич ўртача 0,283, Францияда 0,305, Испанияда 0,350, Россияда 0,420 ни ташкил этади.

Маълумки, собиқ тузум даврида Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ ўлкалардан бири эди. Одамлар фақат колхоз ерида ишлар, бировнинг қўлига қараб яшарди. Ҳунармандлик, шахсий деҳқончилик, чорвачилик ҳисобидан қўшимча даромад топиш тақиқланган эди. Томорқалардаги мевали дарахтлар кесилиб, қорамоллар тортиб олинган вақтларни ота-боболаримиз ҳамон изтироб билан эслайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, уни бозорда эркин сотиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бундайларнинг бор-буди мусодара қилинарди.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг кўкрагига шамол тегди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида одамлар эркин нафас оладиган, ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган жамият барпо этилди. Марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилиб, бозор иқтисодиётига асосланган ишбилармонлик муҳити шакллантирилди.

Бугун ихтиёр одамларнинг ўзида. Хоҳласа хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади, хоҳласа фермер бўлади. Қўлида ҳунари бўлса – марҳамат. Маҳсулотини истаган бозорда истаган нархида сотсин. Рақобатга дош берса, бозор шуни кўтарса бўлгани.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 10-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2015 йил 22 январь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси
М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 19 январь

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд шаҳрида вилоятдаги давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъул ходимлари учун ўқув-семинар ўтказилди. Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари, уларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

• «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда милиция таянч пунктларининг хизмат кўрсатиш ҳудудидаги вазият, профилактика инспекторларининг аҳоли билан ҳамкорлиги ҳамда билим ва тажрибаси, вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

• «Камолот» ЁИҲ томонидан Сурхондарё вилояти Шеробод туман кенгаши, туман ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 67-умумтаълим мактабида «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашамиз!» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ўқувчи-ёшлар, устоз-мураббийлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Австралиянинг шимоли-ғарбий қисмига тропик тўфон яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан Хедленд ва Дампир портларининг маъмурияти мазкур портларда турган кемаларни хавфсиз ҳудудларга кўчиришни бошлади. Маълумотларга кўра, тўфон пайтида шамолнинг тезлиги соатига юз километрга етиши мумкин.

• Ғарбий Африканинг хавфли вирус тарқалган олтита мамлакатларидан бири ҳисобланмиш Мали ҳукумати ўз мамлакатида Эбола безгаги тўлиқ барҳам топганлиги ҳақида эълон қилди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирининг таъкидлашича, кейинги 42 кун давомида Малида Эбола билан касалланганликнинг янги ҳолатлари кузатилмаган.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2015 йил 22 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йиғилишига келган Сенат аъзолари 2015 йил 21 январь куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси

ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай эркинлик самарасида аҳоли қўшимча даромад манбаларига эга бўлмоқда. Даромадлар таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсгани бунинг ёрқин далилидир.

Бу каби натижаларга эришишда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар муҳим омил бўлмоқда.

Бундан 20-25 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Оддий хўжалик совуни ёки гугурт ҳам юртимизга бошқа мамлакатлардан олиб келинарди. Ўша пайтлар ўзининг хусусий корхонаси ёки ўз ерига эга бўлиш тугул, уйида чопон ёки дўппи тикишга ҳам чўчиган ҳамюртларимиз бугун тадбиркорлик, ҳунармандлик билан эмин-эркин шуғулланмоқда. Хориждан ҳамкорлар топиб, ўз товарини ўзи сотмоқда. «Made in Uzbekistan» белгисига эга кенг турдаги товарлар, маиший техника воситалари, енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларимизни тўлдириб, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланиб бораётир.

Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу соҳада иш билан банд аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда.

Асосийси, ҳар бир соҳада ўзгариш, ривожланиш сезилмоқда. Одамлар қобилиятига, меҳнатига яраша рўшнолик кўрмоқда. Ҳаракат қилган баракат топмоқда.

Яна бир жиҳати, қўшимча даромад топгани учун ҳеч ким таъқиб қилинмайди, аксинча, қўллаб-қувватланади, рағбатлантирилади.

Мамлакатимизнинг барқарор ўсиб бораётган иқтисодий тараққиёти ҳам аҳоли даромадларини муттасил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Биргина ўтган йили бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоизга оширилди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Бу ҳар бир оилага фаровонлик, хотиржамлик олиб кираётир. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, ўтган йили 98 фоиз аҳоли ўзи ва оиласининг моддий ҳолати яхшиланганини билдирган. Турмуш даражаси ва сифати, халқ фаровонлиги юксалаётганини таъкидлаб, келажакка катта ишонч билан қарашини айтган.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётига, пировардида, аҳоли турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасида 2014 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С.Раҳимов, жамғарма директори вазифасини бажарувчи Ж.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бораётганини таъкидлади.

Бугун кичик бизнес корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, қурилиш материаллари, кийим-кечаклар, электротехника воситалари каби кенг турдаги товарларни ишлаб чиқармоқда, замонавий хизматлар кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августда қабул қилинган қарори асосида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси уларнинг товар ва хизматларини ташқи бозорга чиқаришида яқиндан кўмаклашмоқда. Бу жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётир.

Жамғарма ва унинг ҳудудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақ тўламасдан, аккредитив очмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эга. Буларнинг барчаси уларга катта имтиёз яратиб, экспортга кенг йўл очаётир.

Ўтган йил бу борада янада самарали бўлди. Жамғарма томонидан 2400 га яқин тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизмат кўрсатилди. Натижада умумий қиймати 1,25 миллиард АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузилди. 699 тадбиркорлик субъекти умумий қиймати 840 миллион доллардан ортиқ маҳсулот ва хизматларни экспорт қилди.

1774 тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш, жумладан, 140 тадбиркорга хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам берилди. 271 тадбиркорга хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиши, 327 тадбиркорга экспорт шартномалари тузиш, уларни тегишли банкда рўйхатга қўйишда амалий ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди. 27 тадбиркорга суғурта полиси орқали маҳсулотларини экспорт қилишда кўмаклашилди.

Жаҳон бозорида маҳсулотларимизга бўлган талабни ўрганиш мақсадида Европа, МДҲ ва Форс кўрфази мамлакатлари, Корея Республикаси, Япония, Сингапур савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулот ва хизматларининг ассортиментини таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, халқаро талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлашга қаратилган маркетинг изланишлари олиб борилмоқда.

Сифат менежменти тизимларини (СМТ) жорий этиш мақсадида жамғарма «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда ҳудудлардаги қатор корхоналар фаолиятини ўрганиб чиқди. Айни пайтда 54 корхонада халқаро стандартларга асосан СМТни босқичма-босқич жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Ташкилот қўмагида юртимиз ишлаб чиқарувчилари мамлакатимиз ва чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиб, харидорлар топиш ва шартномалар тузиш, экспорти жўғрофиясини кенгайтиришга муваффақ бўлмоқда. Жумладан, ўтган йили саксондан ортиқ тадбиркорлар Германия, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этди. Уларда қатнашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида жамғарма томонидан 82 миллион сўмга тенг молиявий кўмак кўрсатилди. Натижада маҳсулот ва хизматлар экспорти бўйича умумий қиймати 67 миллион долларлик келишув битимлари имзоланди.

Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, жамғарма Корея Республикаси, Сингапур, Латвия, Испания, Бельгия, Қозоғистон, Литва ва Хитойнинг ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувлар, бизнес-форум ва кооперация биржаларида фаол иштирок этди.

Жамғарма томонидан экспортчи корхоналарнинг имкониятларини ўрганиш, муаммоларини бартараф этиш, ишлаб чиқарувчиларни экспорт фаолиятига кенг жалб қилишга бағишланган учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда 2015 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишни янада кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловнинг шаҳар босқичида 1-ўринни Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номли маҳалланинг 86-сонли милиция таянч пункти қўлга киритди. Иккинчи ўрин Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалласидаги 336-сонли милиция таянч пункти, учинчи ўрин эса Юнусобод туманидаги «Бободеҳқон» маҳалласидаги 455-сонли милиция таянч пунктига насиб этди.

— Милиция таянч пунктимиз Алишер Навоий номли маҳалла маркази билан бир ерда жойлашган бўлиб, хизмат олиб боришимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди 86-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант, танловнинг 1-ўрин соҳиби Жонибек Шарипов. — Маҳаллада 5 минг 700 га яқин фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 45 фоизини ёшлар ташкил этади. Маҳалла ҳудудида ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун спорт тўгараклари, касбга йўналтириш учун марказ ташкил этилган. Ҳудудда ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликнинг олдини олиш учун тегишли режалар асосида маҳалла фоллари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар ўз натижасини бермоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг камайишига эришилди.

Шу билан бирга танловда «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Энг фаол маҳалла посбони», «Энг фидойи маҳалла раиси», «Ёш авлод ҳимоячиси», «Энг фаол маърифатпарвар маслаҳатчи», «Энг фаол хотин-қизлар комиссияси бошлағич ташкилоти раиси», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Баркамол авлод етакчиси» ва бошқа номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва совғалар билан тақдирланди.

— Доимий равишда профилактика инспекторлари билан олиб борилган ишлар ўз натижасини бермоқда, — дейди кўрик-танловда «Энг фидойи маҳалла раиси» йўналиши бўйича ғолиб бўлган Яккасарой туманидаги, «Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Мухамедяров. — Маҳалламиз 35 та кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, 8500 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йилдан буён профилактика инспекторлари билан бир бинода фаолият олиб бориб, талай ижобий ишларни амалга ошириш имконига эга бўлдик. Танловда «Энг фидойи маҳалла раиси» номинациясида ғолиб бўлишимиз нафақат менинг, балки маҳалла фаолларининг ютуғи деб биламан. Фахрли, шарафли ва масъулиятли вазифамиз доирасида янада кўплаб ишларни амалга оширишга ваъда бераман.

Дарҳақиқат, милиция таянч пунктларининг тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда алоҳида ўрни бор. Биз уларнинг хайрли ишларида муваффақият тилаб қоламиз.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Миробод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИНИНГ 2015 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 28, 99-моддалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги СК-453-II-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли Қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 15 декабрь, 50-сон, 590-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида»ги 334/4-40-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги 1053-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ва туман молия бўлимининг 2014 йил 25 декабрдаги 01-01/31-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1053-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Миробод туманининг 2015 йилги маҳаллий бюджети асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Миробод туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 59 649 017,0 минг сўм;
харажатлар – 59 649 017,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлимига 2015 молия йили давомида:

туман маҳаллий бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмига ўзгартиришлар киритиш туман ҳокимлигининг молия бўлими тақдимномасига кўра туман ҳокимининг қарори асосида амалга оширилсин.

5. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (М.Рахимбердиева) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Миробод туман тармоқ администратори (Р.Исроилов):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.mirobod.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Туман ҳокимининг 2013 йил 31 декабрдаги «Миробод туманининг 2014 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида»ги 608-сонли қарори ўз кучини йўқотади.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари О.Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

Миробод тумани ҳокими
Ш.Кадиров

2014 йил 30 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун «Олий ҳарбий божхона институтида бўлажак божхоначиларнинг ҳарбий ва жанговар тайёргарлиги юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

КАСБ МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Ушбу тадбирда Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи С.Абдухалилов божхона тизими фаолиятининг самарадорлиги, унинг мунтазам такомиллашиб бориши ҳар жиҳатдан кадрлар салоҳиятига бевосита боғлиқлиги, божхона ишини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишнинг муҳим шартларидан яна бири – юқори малакали профессионал божхона ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб малакасини ошириш тизимини тубдан яхшилашда эканлигини таъкидлади.

— Институтимизда бизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишимиз, божхона иши борасида чуқур билим ва амалий кўникмаларга эришишимиз учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди Олий ҳарбий божхона институти тингловчиси Самандар Неъматов. — Биз, ёшлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда келажакда олий даргоҳда олган чуқур билим ва малакаларимизни амалиётда самарали қўллаб, божхоначи қасамёдига содиқ қолишни ўзимизга шарафли бурч деб биламиз.

Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтининг ташкил этилиши мамлакатнинг юқори малакали олий маълумотли божхона кадрларини мақсадли базавий тайёрлаш тизимида муҳим бўғинга айланганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда институтда 2 та факультет ва уларнинг таркибида 11 та кафедра ҳамда мустақил бўлим ва бўлинмалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Институт зиммасига республиканинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилишга қодир бўлган ижтимоий фаол, ҳалол ходимларни етказиб бериш билан бир қаторда тингловчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича самарали ишларни ташкил этиш каби масъулиятли вазифалар юклатилди.

Давлат божхона тизимида хизмат ўташ учун ҳарбий соҳадаги билимларни эгаллаган, жанговар вазифаларни юқори савияда бажара оладиган, ҳар қандай шароитда тўғри қарор қабул қилишда етарли даражадаги билим ва кўникмаларга эга бўлган офицерлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, институтда тингловчиларга божхона иши ва божхона ҳуқуқига оид чуқур билимлар бериш билан бир қаторда, уларнинг юқори маданиятли, жисмонан бақувват бўлиб етишишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур институтда спорт турлари бўйича ўтказиладиган машғулотларда асосий эътибор бўлғуси божхоначиларнинг жисмоний соғлом ривожланишига эътибор қаратилади. Спорт майдончалари ва тренажёр заллари замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган бўлиб, тингловчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Институтда ўқотар қуроллардан отиш учун мўлжалланган тир мавжуд бўлиб, унда тўппончадан амалий отиш машғулотлари олиб борилади. Замонавий «КОРУНД» электрон отиш мосламаси эса ёшларнинг ўқотар қуроллардан отиш бўйича маҳоратини янада оширишга кўмак беради.

Тадбир доирасида тингловчилар иштирокида ҳарбий ва жанговар тайёргарлик бўйича кўргазмали чиқишлар қилинди. Шунингдек, бўлажак божхоначилар ўқ отиш бўйича ўз маҳоратларини ҳам намойиш этишди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

Маънавият — ақл кўзгуси

Жамият тараққиётининг муҳим омили ёш авлоднинг замонавий билим, касб-ҳунар эгаллаши билан бир қаторда қалбида эл-юртга муҳаббат масъулиятини уйғотиш, иймон, эътиқод ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ва амал қилишга ўргатиш ота-она, ўқитувчи, мураббий ва тарбиячиларнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир. Келажак ёшларники экан, уларнинг таълим-тарбиясига замон талаблари асосида жиддий эътиборда бўлиш исбот талаб қилмайдиган аксиомадир.

УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИНГ ЮКСАКЛИГИ — МУҲИМ ОМИЛ

Илм, касб-ҳунар, маънавиятнинг ривожланиши ҳар бир даврда ўзлаштирилган тажрибаларни қуйи авлодга ўргатишнинг қандай мезонларда олиб борилиши билан боғлиқ. Бу фалсафий таълимот давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният бўлиб, асрдан асрга ўтиб, минг йиллардан буён исботини топмоқда.

Буюк файласуф Афлотуннинг «Фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир», – деган ҳикматлари ҳозирги даврда ҳам ота-оналар, устоз ва мураббийлар учун қимматлидир.

Тарихдан маълумки, инсоният томонидан ўзлаштирилган тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг омиллари вужудга келди. Таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи устоз ва тарбиячилар инсон фаолиятининг алоҳида тури, касб-ҳунар ҳомийлари сифатида ажралиб чиқа бошлашди. Сабаби, инсон ота-онаси, устозидан ўрганган таълим-тарбияси ва касб-ҳунари туфайлигина ҳаётини давом эттира олади ва ривожлантиради.

Шунинг учун ҳар бир инсон дастлабки таълим-тарбия, касб-ҳунарни оиласида ўрганар экан, биринчи устозини ота-онаси, кейин тарбиячиси, бошланғич синфда сабоқ берган устози ва бошқа муаллимлари, мураббийлари деб ҳисоблайдилар.

Ўқитувчи ёки устозлик соҳасини танлаган кишида, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариши, ота-оналар ва болаларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлиши учун бу ишга лаёқат, қобилият, қизиқиш бўлиши лозим. Бу касбни танлаган киши аввало соғлом бўлиши, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши, асаблари жойида, вазмин, бағри кенг бўлиши зарур.

Шунингдек, ўқувчи, талабаларни ёқтириши, улар билан ишлашга майли борлиги, мулоқотга киришимлиги, хушмуомалалилиги, кузатувчанлиги, кенг фикрлай олиши, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги ҳам педагоглик касбига бўлган мезонлардандир.

Мураббийлик — ёшларга ахлоқ-одоб, касб-ҳунар, илм-фан соҳаларини ўргатиш, санъат, спорт машғулотларига раҳбарлик қилиш фаолиятидир.

Мураббийлик оилада, маҳаллада, таълим-тарбия, спорт муассасаларида, меҳнат ва жамоат ташкилотларида амалга оширилади.

Ўқитувчи, мураббий ва устоз алоҳида ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият аъзоларининг шаклланишига таъсир кўрсатгани учун ҳам унинг шахслик сифатлари касбий фазилатларидан муҳимроқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ва мураббийнинг профессионал жиҳатдангина етук бўлиши кифоя қилмайди. Уларнинг маънавий олами ўқувчи ва шогирдларга сингдирилиши кўзда тутилган эзгу инсоний сифатларга тўйинган бўлиши керак.

Ўқитувчи, мураббийларга қўйиладиган талаб, вазифалар ва унинг мавқеи жамият тараққиётининг ўтган даврларида турлича бўлгани тарихдан маълум. Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар фаолияти ва меҳнати, мавқеи юксак қадрланмоқда.

Ўқитувчи дарс жараёнида асосий сиймо бўлиб, ахборот бериш, матнларни баён қилиш, тезроқ, янада тезроқ ўқитиш билан овора бўлмай, балки ўқувчи, талабани мустақил фикр юритиш, мушоҳада қилиш, амалий хулоса чиқаришга эҳтиёж туғдириши, муҳит яратиши ва масъулиятни ҳис қилишга йўллаши керак. Ўқитувчининг ҳар бир дарсини миллий ғояга асосланган ҳолда таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи, яъни бир-бири билан узвий алоқада бўлган уч ёқлама мақсадлар билан амалга ошириши замон талабидир.

Ҳозирда таълим-тарбия соҳасидаги давлат сиёсатини амалиётда қўллашда устоз ва мураббийлар масъулияти Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделининг таркибий қисмларидаги, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тамойиллари талаблари бўйича амалга оширилмоқда.

Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги — таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлашда ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» сингари фахрий унвонлар ва давлатимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланишлари юртимизда таълим соҳаси ходимларининг меҳнатлари ва мавқеларига бўлган ҳурматнинг юксак ифодасидир.

Илм, фан, техника тараққиётининг шиддатли ўсиши кузатилаётган ҳозирги даврда устоз ва мураббийларгина эмас, юртимизнинг ҳар бир фуқаросининг вазифаси — ўз миллатининг рақобатбардошлигини кўтариш учун ёш авлодни замонавий мутахассис бўлиб, ўз билим доирасини узлуксиз янгилаб борадиган кўпгина тилларни мукаммал биладиган ҳамда тадбиркор ва ташаббускор сифатларга эга малакали мутахассислар қилиб тайёрлашдир.

Салиҳ ТАШПУЛАТОВ,
профессор
Акрам АКМАЛОВ,
доцент

ЮҚОРИ БАҲО БЕРИЛГАН ҚАДИМИЙ ЧОЛҒУ

Мустақиллик мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритишга имкон берди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, унинг сиёсий нуфузи тобора юксалиб, фуқароларимизнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб, айни пайтда маънавий соҳадаги ютуқларимизнинг салмоғи ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли қўлга киритилган энг катта ютуқ – маънавий жабҳадаги жараёнлардир. Бу бежиз эмас, зеро ҳар қандай жамиятда амалга ошаётган ижтимоий-сиёсий воқелик унинг жамият фуқаролари томонидан маънавий мушоҳада этилиши билан изоҳланади.

Жамиятни маънан юксалтиришда мусиқанинг ўрни беқиёс. Мусиқа ҳамда қўшиқ кишини тарбиялайди, оҳанг ва унга мос кайфият инсон учун бебаҳо, руҳни шод этувчи восита ва омилдир.

Мустақиллик йилларида кўҳна мусиқий-қўшиқчилик санъатимиз ривож топиши учун мустаҳкам замин яратилди. Миллий қўшиқчилигимиз, чолғулар назарияси ва тарихи ўрганилиб, бу жараёнга иқтидорли ёшлар жалб этила бошланди.

Республикамиз мусиқа санъатининг жонкуярлари ташаббуси билан қадимий мусиқа чолғуларимизни, хусусан, уд чолғусини янада мукаммалроқ ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги даврда уд чолғуси ҳақида сўз борганда кўпчилик мусиқа мухлислари дарҳол араб, турк, озарбойжон, арман халқларининг миллий куй оҳангларини ёдга оладилар. Лекин, Ўрта Осиё уд чолғусининг ватани бўлганлигини, халқимизнинг қадимдан севимли чолғуси сифатида доврўғ таратганини кўпчилик билади.

Уд жуда қадимий чолғуларимиздан, унинг дастлабки шакли Айритомдан топилган (эрамизнинг биринчи асрларига оид ажойиб маданият ёдгорлигида ўз аксини топган).

Уд арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси турличадир. У биринчидан, ёғочи қора тусли дарахтнинг номи, иккинчидан, уд байрам, тўй – томоша, хурсандчиликни ифодалайдиган «ийд» иборасининг маълум шаклидир. Бу ўринда хушчақчақ кайфиятни бағишловчи соз маъносида ҳам келиши мумкин.

Уднинг дастлабки номи «Барбад» бўлганлиги баъзи манбаларда кўрсатиб ўтилади. Барбад икки сўздан иборат бўлиб, бар-қомат, бад-ўрдак маъноларида келади. Барбад қорни катта ва дастаси калта мусиқа асбобидир. Унга ўрдак қоматига ўхшагани учун барбад номи берилган экан.

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб — ул қулуб» асарида ҳам чолғу асбобларига юксак баҳо берилган. Қадимий удлар, аввало икки торли бўлиб, улар «зир» ва «бам» деб номланган.

Бам — пастдаги, зир — юқоридаги ингичка тор. Кейинчалик уч-тўрт торли бўлган. X асрга келиб Ал-Фаробий унга бешинчи торни ўрнатган.

Ана шундан буён уд чолғусининг асосий торлари бешта жуфт торлардан иборат. Олтинчи тори эса айрим куйлар ижро этилганда қўшиб чалинади. Яъни, билак зарбда кўпроқ қўлланилади.

Қадимдан уд торларининг ипакдан ишланганлиги айрим мусиқа рисолаларидан бизга маълум. Олтинчи тор эса яқин йиллардан бери ишлатила бошланди. У асбобнинг тембри, яъни товушини янада бойитди.

Уддан қарийб XVII асрларгача фойдаланилган деб тахмин қилиш мумкин. Кейинчалик эса Ўрта Осиёда истеъмолдан чиқиб кетган ҳамда унинг хусусиятлари ва вазифанинг бажара оладиган бошқа қадимий мусиқа асбоблари унинг ўрнини эгаллай бошлади.

Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек, тожикларнинг чолғу асбоблари ранг-барангдир. Албатта, бу халқларнинг маданияти қадимдан бой бўлганлиги, узлуксиз ривожланганлигидан далолат беради.

Бизнинг давримизга келиб уд чолғуси кавказ халқларида, арабларда, Эронда ва бошқа ерларда истеъмолдан чиқмаган ҳолда қўлланиб келинмоқда. Яқин йиллар давомида ўзбек ва тожик халқлари орасида ҳам удга қизиқиш уйғонди, қолаверса, республикамиз мусиқа санъатининг жонкуярлари ташаббуси билан уд чолғусини мукаммалроқ ўрганиб яна халқимизнинг қадимий мусиқа асбоблари қаторига қўшишдек хайрли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда уд республикамизнинг нуфузли санъат даргоҳларида, мақом ансамбларида, олий ва ўрта махсус мусиқа билим юртларида, радио ва телевидение дастурларида кенг тарғиб қилинмоқда.

Наврўзбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси факультети «Анъанавий ижрочилик» бўлимининг 4-курс талабаси

МУЗЕЙЛАР — МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Баркамол авлод онгида миллий ғурур, фахр туйғусини уйғотишда музейлар алоҳида ўрин тутади. Музейлар орқали ёшларимизга миллий онгни юксалтиришда, унутилган тарихимизни қайта тиклашда, буюк аждодлар номи ва меросини танитишда, улар билан фахрланишни ўргатишда, Ватанга муҳаббат, садоқат ва анъаналарнинг давомчиси сифатида вояга етказишда шу каби маданият масканларининг ўрни беқиёс.

Жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи биноси ўзида Темурийлар даври ва замонавий меъморчилик санъати услубларини мужассамлаштирган. Бино Амир Темур давридаги саройлар кўринишида қурилган бўлиб, унинг ўзи бир музейдир. Музей биноси мустақиллик даврида бунёд этилган энг ноёб қурилмалардан бири бўлиб, замонавий меъморчилик талабларига тўла жавоб беради.

Музейдаги фонд фаолиятини олиб боришда архив йўналиши ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда архивларни шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланишда юзага келадиган муносабатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси архив муассасаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги «Архивлар тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонун Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча архив ҳужжатларини тўлиқ қамраб олишга, Ўзбекистон Республикаси Марказий архив фондининг яхлитлигини сақлаб қолишга ва давлатнинг ижтимоий-маданий, илмий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида, архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилашга қаратилган.

Темурийлар тарихи давлат музейи фондида 5000 га яқин турли тарихимиз саҳифаларидан ҳикоя қилувчи ашёлар сақланади.

Қуйида музейнинг архив фондида сақланаётган айрим ашёлар ҳақида маълумот беришни жоиз топдик. Унда 1997 йилнинг 6 мартида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган театрлар фестивали афишаси, Сурхондарё вилоятида жойлашган Маннон Уйғур номидаги мусиқий ҳажвия драма театр жамоаси томонидан тайёрланган «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» деб номланган спектакль сценарийси дастури, Республика Ёш томошабинлар театри томонидан саҳналаштирилган «Буюк Ипак йўли» номли спектакль сценарийси дастурлари сақланмоқда.

Республика Миллий академик драма театри томонидан тақдим этилган «Соҳибқирон» спектакли ёзилган диск, Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида жойлашган Ж. Шакен номли драма театрида намойиш этилган ва музейга топширилган Амир Темур спектакли диски, Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта опера ва балет театри томонидан тақдим этилган Амир Темур спектаклининг дисклари ва ҳ.к.лар музейнинг архив фондидан жой олган.

Рассом Малик Набиев томонидан 1997 йил 12 майда тайёрланган «Буюк сиймолар» деб номланган ўзбек тилидаги 10 та плакатлар мажмуаси ҳам музей фондида сақланмоқда. Ушбу плакатларда тарихимиз ва жаҳон тамаддунида ўзига хос из қолдирган буюк аждодларимизнинг кўринишлари тасвирланган.

Бугунги кунга қадар архив фондида 10 тадан зиёд фотоплёнкалар сақланмоқда. Музей архив фондида мавжуд кинофильмлар 150 дан ортиқ бўлиб, булар ичида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган «Асрлардан сўйлар бу тупроқ» деб номланган ҳужжатли фильм, Амир Темур ғори экспедициясининг 1-4-қисмлари, «Соҳибқирон юртида» ҳужжатли фильмлари, музейнинг қурилиши, очилиши тарихи ҳақидаги фильмлар ва шу кунгача музейда ўтказилган барча маънавий-маърифий тадбирлар, конференциялар видеотасмалар ва дисклардa сақланмоқда. Музей фонди ва архивида сақланаётган барча моддий, маънавий ашёлар, қоғозли, фото ва фильмли ҳужжатлар барчаси музей тарихини, Амир Темур даври тарихини ўрганишда улкан маълумотлар ўчоғи ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, музейлар фақатгина маданий ҳордиқ оладиган жойгина эмас, балки ўтмиш ҳақида хабар берувчи манба сифатида ҳам хизмат қилади. Музей залларидаги барча экспонатлар жамланмасини ўзгартириб янгилари билан бойитишда музей фонди ва архиви алоҳида ўрин тутади. Бунга асос сифатида шуни айтиш мумкинки, музей ҳақидаги тўлиқ ва аниқ маълумотни фақатгина шу музей архивидан олиш ва ундан фойдаланиш мумкин. Музей ходимларининг олиб бораётган илмий тадқиқотлари, музей залларида ташкил этилаётган янги кўргазмалар, анжуманлар, маънавий тадбирлар, давра суҳбатлари, нашрлар — буларнинг барчаси тарихимизнинг шукуҳли ва қудратли даври деб эътироф этилган Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи, маданиятини ўрганишга бағишланган. Айниқса, бу даврни ўрганиш бевосита шу музейнинг ўзида олиб борилаётганлиги ҳам таҳсинга сазовордир. Шу музей-саройнинг ичидаги таърифга сиғмайдиган илмий муҳит тадқиқотчига қайсидир маънода маънавий озиқ беради.

Нигора ТЎХТАБЕКОВА,
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК УМРИМИЗГА УМР ҚЎШМОҚДА

Ёши улуғ инсонларга алоҳида ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини асраш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар камолоти йўлида самарали фойдаланиш халқимизнинг эзгу қадриятидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу анъаналаримизни янги маъно-мазмун билан бойитишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларида нуронийларнинг саломатлигини асраш, узоқ умр кечиришини таъминлашда уларга кўрсатилаётган замонавий тиббий-профилактика, диагностика ва даволаш хизматининг сифати ва самарасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни белгиланган муддатларда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, ўз вақтида соғломлаштириш, хонадонларда тиббий-патронаж ишларини юқори савияда ташкил этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бугунги кунда ўн бешта даволаш-профилактика муассасаси, жумладан, олтита оилавий поликлиника аҳолига жаҳон тиббиёти талаблари асосида хизмат кўрсатмоқда. Туман аҳолисининг олтмиш икки минг нафардан кўпроғини нуронийлар ташкил этади. Ўтган йили улардан қарийб икки юз эллик нафари республика микёсидаги ихтисослаштирилган марказларда, кўплаб фахрийлар шаҳардаги етакчи клиник шифохона ва сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Жорий йилда кексаларга йўналтирилган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, шу асосда изчиллик билан иш олиб борилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ва пенсионерлар рўйхатининг электрон базаси шакллантирилди. Нуронийлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга хонадон, стационар ва санаторий-курорт шароитида саломатлигини яхшилаш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Аҳолининг барча қатламига, жумладан, кексаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтиришда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу чора-тадбирларни изчиллик билан давом эттириш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникани жорий йилда рентген аппарати ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Тумандаги барча оилавий поликлиникалардаги стоматология кабинетларини энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар тўпламлари билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Шифокор ва ҳамшираларнинг билим ва малакасини янада ошириш, жаҳон тиббиётининг илғор тамойилларини соғлиқни сақлаш тизимининг барча йўналишларига чуқур татбиқ этиш тиббий лойиҳаларнинг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

– Аҳолининг барча қатлами, жумладан, нуронийларни бирламчи тиббий-профилактика кўригидан белгиланган муддатларда ўтказиш, хонадонларда тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини ҳар бир инсоннинг кундалик фаолиятига айлантириш йўлида фаол иш олиб борилаётган оилавий поликлиникамизда тиббиёт тизимида яратилаётган барча замонавий шароитлардан ҳар бир инсон, жумладан, кексаларнинг баҳрамандлик даражасини муттасил оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 4-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Нарзуллаева. – Тиббиёт муассасамизнинг моддий-техник базаси доимий мустаҳкамланиб борилаётгани ва шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Айни пайтда оилавий поликлиника маъмурияти томонидан Кексаларни эъзозлаш йилида амалга ошириладиган ишлар режаси ишлаб чиқилиб, бугунги кунгача уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионерлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларни уй, оилавий поликлиника ва стационар шароитда соғломлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Санаторий ва сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаш зарур, деб топилган фахрийларга тегишли тартибда тавсиялар берилди.

– Ўтган йили шифокорларнинг тавсияси билан пойтахтимиздаги «Турон» санаторийсида саломатлигимни бепул тиклаган эдим, – дейди тумандаги Гулистон маҳалласида яшовчи 90 ёшли Маҳмуд ота Қуддусов. – Яқинда оилавий поликлиникамиз шифокорлари хонадонимизга келиб, яна бир карра тиббий текширувдан ўтказди. Саломатлигимни яхшилаш бўйича тавсиялар беришди. Биз, нуронийларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай доимий эътибор ва ғамхўрлик умримизга умр қўшмоқда. Ушбу эзгу ишларнинг бошида турган Президентимизга мингдан-минг ташаккур.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

«Техник таъминлаш ва бутлаш бошқармаси» унитар шўъба корхонаси жамоаси корхона директори Темур Тулкинович Саидгазиевга падари бузруквори
Тулкин Мукимович САИДГАЗИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси меҳнат фахрийси
Абдулла ПЎЛАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Бектемир Ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан корхона ходимлари ўртасида нишонга ўқ отиш мусобақаси ташкил этилди.

ЕТАКЧИ СПОРТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Мусобақа ўқ отиш спорт турини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ходимлар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик тарғиботини олиб бориш, кучли спортчиларни аниқлаш ва малакасини ошириш мақсадида ўтказилди.

— «Ватанпарвар» ташкилоти Ўзбекистон келажаги бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан бирга улар онгига инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиради ва эзгу ишлар сари йўналтиришга хизмат қилади, — дейди унитар корхонанинг Маънавият, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Минора Розиметова. — Ташкилотимиз Ватаннинг қудратини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мусобақа натижаларига кўра 1-ўринни автоспорт секцияси мураббийи Александр Силенко, 2-ўринни амалий ҳайдашни ўргатувчи йўриқчи Абдукарим Мусаев эгаллаган бўлса, 3-ўринга ўқитувчи Усман Сайдуллаев лойиқ деб топилди.

Қизғин ва уюшқоқлик билан ўтказилган мусобақа сўнгида ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Замира РАҲМОНОВА

АЙКИДО — ТАНА ВА РУҲНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Айкидо япон тилидан ҳаётда уйғунликка эришиш дея таржима қилинади. Энг муҳими, айкидода кучга куч қарши турмайди. Жанговар санъатнинг ушбу турида ҳимоя усули қўлланилгани ҳолда рақибнинг кучи ва қуввати унинг ўзига қарши йўналтирилади.

Шаҳримизда ушбу шарқ яккакураши турига 1990 йилда асос солинган бўлиб, Рашид Халидов мамлакатимизда айкидонинг тарғиботчиси ва ривожлантирувчиси бўлди. Иқтидорли спортчи, педагог Рашид Халидов Японияда айкидо бўйича ўтказилган семинар машғулотларига таклиф этилиб, маҳоратини оширди. Шу тариқа 1990 йилнинг июлида Ўзбекистонда айкидо федерацияси ўз фаолиятини бошлади. Ташкил этилган пайтидан бошлаб то ҳозирга қадар Р.Халидов Ўзбекистон айкидо федерациясини бошқариб келмоқда. Ва бугунги кунда Ўзбекистон айкидо федерацияси таклифига кўра семинар машғулотлари ва маҳорат дарсларини ўтказиш учун япониялик айкидо усталари Ясанаури Китаура (8 дан) ва Сасаки Тейжу (6 дан)лар ташриф буюришмоқда.

Айкидонинг фалсафаси тана ва руҳнинг уйғунлигидан иборат бўлгани учун айкидо секциясида ёшлар шуғулланаётган спорт залига келар эканмиз, кескин ва тажовузкор хатти-ҳаракатларни кўрмаймиз. Аксинча, бу ерда уйғунлик, рақибларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши ва ҳурмат қилиши устувордир.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТДА: айкидо мана шундай қизиқарли спорт туридир

Алексей Попов олган сурат

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман бўлими кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, «Камолот» ЁИҲ ҳамда «Ёшлик» ЖТСЖ туман Кенгашлари ҳамкорлигида тумандаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилди.

Улар спортнинг шахмат, стол тенниси, мини-футбол турлари бўйича ўзаро беллашдилар. 41-спорт мактабида ўтказилган ушбу спорт мусобақасидан спортни янада оммалаштириш кенг ва соғлом турмушни кундалик ҳаёт тарзига айлантиришдек эзгу мақсад кўзланди.

Дарҳақиқат, бўлиб ўтган мусобақалар жараёнида спортнинг инсон саломатлиги ҳамда ўқитувчиларнинг соғлом фикр юритишига ижобий таъсир кўрсатишнинг гувоҳи бўлдик. Спорт тадбирида Шайхонтоҳур туман ХТМФМТТЭБ мудири С.Сейткамалов, туман касаба уюшма кенгаши раиси Д.Улмасова, БСРЖ туман кенгаши раис ўринбосари Ф.Абдураимов, «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси Л.Тўраев ва бошқа таълим муассасаси раҳбарлари фаол иштирок этдилар.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муҳаммаджон БОЗОРОВ

Республика олимпия заҳиралари коллежида юнон-рум кураши бўйича 1998 — 1999 йилларда туғилган ёш полвонлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Унда юртимиз спортчилари билан бирга Қозоғистон ва Тожикистондан жами 100 нафардан зиёд спортчи 10 вазн тоифасида беллашди.

ЁШ ПОЛВОНЛАР САРАЛАНДИ

Ушбу мусобақадан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда ёшлар ўртасида спортни, жумладан, юнон-рум курашини янада оммалаштириш, иқтидорли ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашдир.

Турнирда спортчиларимиздан Достон Турсунбоев, Тўрабек Тиркашев, Зуфар Соҳибов, Жавоҳир Тоғаев, Саидшаҳром Мўминов, Шоҳруҳ Каримов, Абубакр Алимов, Акбар Икромов, Темурбек Мамажонов, Достон Саидқулов ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

ИЖОДИЙ БИРЛАШМА ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг 2014 йилги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маданият ва санъатни кенг ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида байрам ва сайиллар, турли маданий-маърифий тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказиш борасида катта тажриба тўплангани, ушбу тантаналарда миллий эстрада санъати вакиллари ва ёш иқтидор соҳиблари муносиб иштирок этаётганини таъкидлади.

Ўтган йили юртимизнинг барча ҳудудларида умумхалқ байрамлари, ижодий учрашувлар, концерт дастурлари, халқаро спорт мусобақалари, илмий конференциялар ва турли анжуманларга бағишлаб ташкил этилган маданий тадбирларга таниқли хонандалар ва бадиий жамоалар кенг жалб қилинди. «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали муносабати билан жойларда гала-концертлар уюштирилди.

Бирлашма томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, санъаткорларнинг ижро интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида концерт-томоша фаолияти учун ягона лицензия бланкаси жорий этилиб, мавжуд 8 рейтинг гуруҳи 6 тага қисқартирилди. Лицензия олиш учун мурожаат қилган ижрочиларнинг ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи йиғилишида иштирок этиб, жонли ижрода ўз маҳоратини намойиш қилиш тизими жорий этилди.

Тадбирда ижодий ташкилотнинг 2015 йилдаги вазифалари атрофлича муҳокама қилинди. Миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, «шоир – бастакор – хонанда» ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни кашф этишга қаратилган турли кўрик-танловлар ўтказиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудида замонавий талабларга жавоб берадиган овоз ёзиш студиялари фаолиятини йўлга қўйиш, ижрочи ва ижодий жамоалар ҳақида маълумотлар, улар томонидан ижро этилган қўшиқлар, шеър матнларини ўз ичига оладиган электрон базани шакллантириш ва уни доимий янгилаб бориш кўзда тутилаётгани таъкидланди.

Давлат ва жамоатчилик тадбирларида фаол қатнашган санъаткорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод КАРИМОВ, ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент минтақавий филиали тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган савдога таклиф этади!

Савдога ТИФ «Миллий Банк» Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 14 январдаги AU-11/212 сонли буюртманомасига асосан, ТИФ «Миллий Банк» Тошкент вилоят бўлимига тегишли қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод (Май) ҚФЙ, Янги авлод маҳалласи, 50-уйда жойлашган бириктирилган ер майдони 4,0 га тенг бўлган, бир қаватли, молхона, дам олиш биноси ва бостирмадан иборат. Бошланғич баҳоси – 470 246 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Янгиовул ҚФЙда жойлашган, бириктирилган ер майдони 0.21 га тенг бўлган, бир қаватли, бузоқхона, чорвадорлар уйи, бостирма ва молхонадан иборат (чорвачилик фермаси). Бошланғич баҳоси – 310 480 000 сўм.

Савдо 2015 йил 20 февраль куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртмалар 2 нусхада расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Савдода қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 18 февраль куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2015 йил 20 февраль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 25 февраль, 2 ва 6 март кунлари соат 11:00да ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш: 2015 йил 25 февралдаги такрорий савдо учун 23 февраль куни соат 18:00; 2015 йил 2 мартдаги такрорий савдо учун 26 февраль куни соат 18:00; 2015 йил 6 мартдаги савдо учун 4 март куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш ва мулк учун тўловларни савдо кунидан бошлаб 60 (олтмиш) ой мобайнида тўлиқ амалга ошириш шартлари юклатилади.

Талабгорлар савдо кунига қадар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Ватан улуғ – бурчим муқаддас!» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирлар

ФАОЛ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Унда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Тошкент Давлат техника университетининг ҳарбий кафедраси талаба-ёшлари, курсантлар, офицерлар, ҳудудда соғлом муҳитни барқарор таъминлашда кўмагини аямайдиган, мазкур билим даргоҳининг кўнгилли талаба-ёшларидан тузилган «Огоҳ посбонлар» гуруҳи аъзолари иштирок этди.

«Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда спорт мусобақалари, маданий кеча, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ижод намуналари ўрин эгаллади. Университетнинг ҳарбий кафедраси талабалари томонидан чиқишлар намойиш этилди. Эл севган хонандаларнинг она Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Ўзининг ташаббускорлиги, фаоллиги ва иқтидорини намоён қилган, шаҳарча ҳудудида тинчлик ва осойишталикни барқарор таъминлашда жонкуярлик кўрсатган ва тадбирда фаол иштирок этган бир гуруҳ талаба-ёшлар «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 17 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2014 йил 24 ноябрь кунги 9693/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Олтинтепа кўч., 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 355 817 000 сўм.

2. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Анжиробод кўч., 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 362 031 000 сўм.

3. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Подшобоғ кўч., 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м. бўлган 2 қаватли уй-жой. Бошланғич нархи – 1 900 129 000 сўм.

4. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Шалола кўч., 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 202 844 000 сўм.

5. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Анжиробод кўч., 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 185 948 000 сўм.

6. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Мирҳосилбой 1-тор кўч., 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 315 873 000 сўм.

7. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Мирҳосилбой кўч., 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 353 568 000 сўм.

8. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Анжиробод кўч., 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 280 707 000 сўм.

9. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тум., Олтинтепа кўч., 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 348 190 000 сўм.

II. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2013 йил 15 апрель кунги 735/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент ш., Юнусобод тум., 18-мавзе, 31- уй, 38-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 31,81 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 50 080 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 10-1117/7803-сонли, 2011 йил 9 мартдаги 10-1008/21203-сонли, 2011 йил 16 майдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., бино иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат ертўлали маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 627 679 428 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 9 февраль куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 6 февраль куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **21 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи — 3-5 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4294

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 17.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ